

ЎТМИШГА НАЗАР

2 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 2

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 2



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Гофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташиқ ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*тарих фанлари номзоди, доценти
Тошкент давлат техника университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Zamira Ishanxodjaeva 1920-1930 YILLARDA O'RTA OSIYO SHARQSHUNOSLIGINING TAQDIRI.....	5
2. Акбар Замонов, Жамолiddин Абдукаримов БУХОРОНИНГ ДАРВЕШ ХУКМДОРИ ХАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	11
3. Саховат Захидова ХОЖАГОНИЙА-НАҚШБАНДИЙА ТАРИҚАТИ “ҲИМОЙАТ” ТИЗИМИ КЕЙИНГИ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ (XV-XVI АСРЛАР) ИЖТИМОЙ СИЁСАТИДА МУҚОБИЛ ТИЗИМИ СИФАТИДА.....	20
4. Xushnudbek Abdurasulov ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ ВА УНИНГ ТАШКИЛ ТОПГУНИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДАГИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИДА ЯХУДИЙЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ.....	29
5. Мухриддин Аълоханов ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	33
6. Мехрождин Амонов “МИРОТ УС-СОЛИКИЙН” АСАРИ НАҚШБАНДИЯ-МУЖАДДИДИЯ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА.....	39
7. Жасурбек Ахмедов МИНГТЕПА – ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ УЛУҒВОР ЁДГОРЛИГИ.....	46
8. Дилшодбек Ахмедов ЎЗБЕКИСТОНДА МУЛҚДОРЛАР ҚАТЛАМИНИ СИЁСИЙ ЖИХАТДАН ЧЕКЛАШ СИЁСАТИНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ (1925-1929 йиллар).....	50
9. Gulchehra Axmedova MILLIY MA'NAVIYATIMIZDA BAXSHICHILIK MAKTABLARINING O'RNI.....	58
10. Jumagul Abduraxmonova, Bunyod Xolisov TURKISTON IQTISODIY KENGASHINING O'LKA IJTIMOIY-IQTISODIY HAYOTIGA TA'SIRI.....	63
11. Хасан Бабаджанов ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	74
12. Махбуба Баратова DUNYOVIY DAVLAT TA'LIM TIZIMIDAGI DINIY DUNYOQARASH.....	80
13. Жавлонбек Бегалиев ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ.....	88

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Хасан Бахтиёрович Бабаджанов,
Мухаммад ал-Хоразми номидаги
Тошкент Ахборот Технологиялари Университети

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

For citation: Khasan B.Babadjanov, MAIN TASKS OF SOCIAL POLICY IN UZBEKISTAN DURING THE SECOND WORLD WAR. Look to the past. 2020, Special issue 2, pp.74-79

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-2-11>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мавжуд адабиётлар ва архив материаллари асосида Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган ижтимоий сиёсат мазмуни, асосий йўналишлари ва республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишда юзага келган муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: ижтимоий сиёсат, таъминот тизими, иқтисодий муаммолар, карточка тизими.

Хасан Бахтиёрович Бабаджанов,
Ташкентский Университет Информационных
Технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе доступной литературы и архивных материалов анализируются основное содержание и направления социальной политики проводимые в Узбекистане в годы Второй мировой войны. а также проблемы социального обеспечения населения и методы решения проблем в годы войны.

Ключевые слова: социальная политика, система обеспечения, экономические проблемы, карточная система.

Khasan B.Babadjanov,
Tashkent University of Information Technologies
named after Muhammad al-Khwarizmi

MAIN TASKS OF SOCIAL POLICY IN UZBEKISTAN DURING THE SECOND WORLD WAR

ABSTRACT

In this article, on the basis of available literature and archival materials are analyzed the causes and solutions of social problems and in general, social policy conducting in Uzbekistan during the Second World War.

Index Terms: social policy, supply system, economic problems, rationing system.

1. Долзарблиги:

Инсоният тарихида энг йирик ҳарбий тўқнашув ҳисобланган Иккинчи жаҳон уруши олти йил давом этди ва унда дунё аҳолисининг бешдан тўрт қисми иштирок этди. Иккинчи жаҳон урушида ғалабага эришишда Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан Ўзбекистоннинг ўрни беқиёсдир. Уруш йилларида Ўзбекистон фронтга 1,5 миллионга яқин аскар сафарбар этди, республикадага юздан ортиқ саноат корхоналари кўчирилди, маҳаллий ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги ҳарбий изга ўтказилди.

Шу ўринда корхоналарда меҳнат қилган минглаб ишчилар ва қишлоқ хўжалик ходимларини ўз вақтида моддий таъминлаш ҳамда боқувчиси, меҳнат қобилиятини йўқотганларга ёрдам бериш ишлари ижтимоий сиёсатининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этди. Шунингдек, ижтимоий сиёсат уруш йилларида жамият ички барқарорлигини таъминлашдаги омиллардан бири бўлди.

2. Методлар:

Мақолада тарихий тадқиқотлар олиб боришнинг даврийлик, анализ ва синтез, тарихийлик ва илмийлик ҳамда изчиллик тамойиллари асосида иш кўрилди. Маълумотларни қайта ишлаш ва тизимлаштириш миқдорий таҳлил усулида олиб борилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон турли соҳаларини уруш шароитларига мослаштиришни талаб этди. Уруш йилларида ижтимоий сиёсат ҳам уруш талаблари ва шароитига мослаштирилди. Ижтимоий сиёсат ҳарбий ишлаб чиқариш ва молия сиёсати каби ғалабага бевосита алоқадор ва уни яқинлаштирган омиллардан бирига айланди. Ижтимоий сиёсат – давлат сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланиб, унинг асосий мақсади ва мазмуни ижтимоий жараёнларни тартибга солиш ва ташкил этишдир. Ижтимоий сиёсат жамиятда ўзининг бевосита функциясини амалга ошириши билан бирга, уруш ҳолатида жамиятда ички барқарорликни сақлаб қолишда давлатнинг асосий воситаларидан бири бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш куйидаги асосий икки йўналишларда амалга оширилди:

Биринчидан, меҳнатга лаёқатли ишчи, деҳқон ва хизматчиларга маош тўлаш; кадрларни тайёрлаш ва тақсимлаш; озиқ-овқат таъминоти ва тақсимоти масалалари; уй-жой қурилиши; оналик, болалик ва аҳоли саломатлигини ҳимоялаш; меҳнат ва техника хавфсизлигини таъминлаш; ижтимоий суғурта.

Иккинчидан, меҳнатга лаёқатсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли, шу жумладан, ҳарбийлар оила аъзолари, уруш ногиронларини қўллаб-қувватлаш; ярадор аскар ва офицерларни даволаш; нафақа таъминоти масалалари; эвакуация қилинган болаларга моддий ёрдам; эвакуация қилинган ва демобилизация бўлганларни иш билан таъминлаш.

Юқоридигилардан кўриниб турганидек, уруш йилларида ижтимоий сиёсат кенг кўламли муаммоларни ҳал этган. Собиқ Иттифокда уруш бошланиши билан янги ижтимоий ҳимоя тизими шаклланмади, балки мавжудлари уруш шароитига мослаштирилди.

Уруш йилларида бошқа даврларга нисбатан инсон ҳаётининг турли жабҳаларини максимал регламентация қилиниши билан ифодаланади. Аҳоли қанча товар ва озиқ-овқат истеъмол қилиниши, уй майдонидан қандай фойдаланиш ва бошқа ҳолатлар максимал регламентация қилинган эди. Маълум маънода аҳоли турмуш тарзининг кескин регламентация қилиниши уруш шароитида оқланган ҳолат бўлиб, ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган бошқа давлатларда ҳам кузатилган.

Бу ҳолатнинг, албатта, салбий томонлари ҳам бор эди. Масалан, бошқарув ва иқтисодий ресурсларнинг ўта марказлашуви жойлардаги ижтимоий соҳа маъсуллари

фаолиятини чеклаган. Майда масаларни ҳам юқори турувчи орган билан келишиши, ташаббускорнинг буғилиши бюрократик сансалорликнинг кучайиши ва қарор қабул қилиши самарадорлигининг камайиши каби салбий оқибатларга олиб келди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши собиқ Иттифоқ, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига босимни кучайтириб, ҳаражатларни кескин оширди. Урушнинг дастлабки босқичида минглаб корхоналарининг вайрон бўлиши, тезликда янги қисмларни техника, курол ва ўқ-дори билан таъминлаш давлат ҳаражатларини кескин ошириб юборди. Уруш даврининг мураккаб шароити ижтимоий соҳага янги муносабатни талаб этди. Сабаби уруш йилларида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли сони ортиб боргани билан бу соҳага ажратиладиган маблағ миқдори кескин камайди.

Асосий молиявий ресурс ва маблағлар ҳарбий ҳаражатларни молиялаштириш учун сафарбар этилди. Уруш йилларида бюджет даромад ва ҳаражатларнинг умумий камайиши, иккинчи томондан ҳарбий ҳаражатларнинг ошиши бошқа ҳаражатларнинг тушиб кетишига олиб келди. Жумладан, таълим тизимига ҳаражатлар 1940 йилда 22,5 млрд руб.дан 1942 йил 10,4 млрд руб.га тушиб кетди. Кўп болали оилалар ва ёлғиз оналарга давлат нафақалари миқдори 1940 йилда 0,8 млрд руб.га тушиб қолди [1]. Бу эса уруш даври одамларининг моддий шароитларга сезиларли салбий таъсир ўтказди.

Собиқ Иттифоқ аҳолисининг ижтимоий шароити ва иқтисодий аҳволи оғир бўлиб, моддий ёрдамга жиддий муҳтож эди. Уруш бошланишидан икки йил аввал, яъни 1939 йилда собиқ Иттифоқ аҳолисининг 73,9%ни ишчи ва хизматчиларининг ишламайдиган оила аъзолари ташкил этди [2]. Яъни, шу йили ишлайдиган бир киши уч кишини боқиб тўғри келди. Урушсиз ҳам одамлар оила таъминотини зўрага эплардилар. Уруш бошланиши муаммони янада кескинлаштирди.

Шу билан бир қаторда бюджет ҳаражатлари кўпайди. Бюджет ҳаражатлари тақсимооти уруш даври талаблари асосида ўзгариб бориб, ҳарбий ҳаражатлар 1941-1944 йилларда муттасил ўсиб борди. Жумладан, 1940 йилда ҳарбий ҳаражатлар 56,8 млрд руб.ни, 1942 йилда 108,4 млрд руб.ни, 1944 йилда эса 137,8 млрд руб.ни ташкил этди [3]. Бюджетдаги ҳарбий ҳаражатлар 1944 йилда 1940 йилга нисбатан 2,4 баробар ўсди. 1940 йилда бюджет ҳаражатларининг 32,5%и муҳофаа мақсадларига йўналтирилган бўлса, 1942 йилда бу кўрсаткич деярли 60% га етди [4].

Кўшимча равишда республикада қандай янги ҳаражатлар пайдо бўлмасин, улар асосан ижтимоий ҳаражатларни қисқартириш эвазига асмалга оширилган. Масалан, 1943 йилда “Қирқ-қиз” достонини чоп этишга ажратилган 100 минг руб. ҳам Ўзбекистонда бошқа ижтимоий-маданий тадбирлардан иқтисод қилиш эвазига молиялаштирилди [5].

Юқоридаги маълумотлар кўриниб турганидек, аҳолини ижтимоий ҳимояга қилишга маблағлар кескин камайди. Шу давр давлат ижтимоий сиёсатининг асосий мақсади минимал молиявий ҳаражатларда иқтисодиётга хизмат қилувчи ишчи кучининг жисмоний ва руҳий меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш эди.

Уруш йилларида собиқ Иттифоқда ишлаб чиқаришни ҳарбий изга ўтказиш билан бир қаторда иқтисодий шароитга мос ижтимоий сиёсат юритиш талаб этилди. Бир томондан, уруш йилларида давлат иқтисодиёти ҳарбий ҳаражатлар туфайли аҳоли олдидаги ижтимоий мажбуриятларини тўлиқ амалга оширолмас эди. Шу билан бирга жамиятда барқарорликни сақлашда ҳамда ишчи кучини меҳнатга лаёқатини меъёрга сақлаб туриши шарт эди. Юқорида қайд этилган икки ҳолат ўртасида мувозанатни топиш-ижтимоий сиёсатнинг ютуғи ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида (айниқса, 1941 йил 22 июнидан то 1942 йил охиригача бўлган даврида) ижтимоий сиёсат ва ишлаб чиқариш ўртасидаги мувозанатнинг ишлаб чиқариш томонга бурилиши кузатилган. Собиқ Иттифоқ халқ хўжалиги мураккаб шароитда фронтни курол-яроғ, озиқ-овқат, турли техника ва бошқалар анжомлар билан таъминлаши мажбур эди. Ушбу вазифаларни тезроқ бажаришда ҳарбий буюрмалар яратувчиси бўлган ишчи ва хизматчилар, муҳандис-техник кадрлар, деҳқонлар, олимлар ва

ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бошқа аҳоли ижтимоий талабларини қондириш лозим эди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, уруш йилларида собиқ Иттифоқда ижтимоий муаммолар ҳарбий-хўжалик масалаларидан устун қўйилмаган, балки уларга қўшимча сифатида қаралди. Уруш шароитида бошқача бўлиши мумкин эмас эди, албатта. Урушнинг дастлабки бочқичида аҳолининг ижтимоий талабларига эътибор бермаслик иқтисодиёт учун бевосита йўқотилишларга олиб келди. Ишлаб чиқаришда авариялар, меҳнат самадорлигининг камайиши ва ижчилар соғлиғи билан муаммолар кескин кўпайди. Жумладан, артиллерия тизимларини максимал ишлаб чиқариш ҳажми (38344 дона)га 1942 йил 3-чорагида эришди [6] ва шундан ишлаб чиқаришда пасайиш кузатилди. Ишлаб чиқариш чўққисидан сўнг бошланган пасайишнинг асосий сабаблари дастгоҳ, ишлаб чиқариш воситаларининг эскириши ҳамда ишчи-муҳандис кадрларнинг жисмоний ва руҳий чарчоғи эди. Бу ҳолат маҳсулот сифатига ва ишчилар саломатлигига салбий таъсир этди.

Уруш йилларида нафақат ногирон ёки боқувчишисини йўқотган, балки меҳнат фаолияти олиб бораётган аҳоли ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож эди. Бу ҳолатни аниқ мисолларда кўриб чиқсак. Қуйидаги жадвалда 1945 йилда СССР Оғир саноат ХК қошидаги корхоналарнинг бирида ойлик маош ва унинг турмушга қанчалик етиши ҳақида маълумотлар келтирилган [7]:

Харажат турлари	Уч кишилик оила (ишчи ва унинг қармоғида икки киши)			Ишчи	
	Ойлик маош (р.)			Ойлик маош (р.)	
	350	800	1500	350	800
Солиқлар	49	141	312	81	116
Заём	35	80	150	35	50
Коммунал тўлов	90	101	101	30	42
Ошхонада овқатланиш	125	125	125	326	326
Карточкадан маҳсулотлари сотиб олиш	180	180	180	–	–
Кийим-кечакка ҳаражатлар: ишчи, қармоғидагилар	111 167	111 167	111 167	111	111
Жами:	757	905	1146	583	645
Қолдиқ:	- 407	- 105	354	- 233	155

Статистик маълумотлардан кўриниб турганидек, 800 рублгача ойлик олувчиларнинг даромади коэффициент салбий бўлган. Лекин бу ҳолатда савол туғилади: агар асосий ишчилар учун меҳнат фаолияти даромад келтирмаса ёки яшаш учун етмаса, ишлашнинг нима ҳожати бор? Уруш йилларидаги мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, ишчининг етарли бўлмаган маошга меҳнат қилишининг қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин эди:

Биринчидан, уруш йилларида (ундан кейинги йилларда ҳам) вояга етган, меҳнатга лаёқатли фуқаро меҳнатга мажбур эди. Ишсиз шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилари.

Иккинчидан, ишчи учун корточка нормалари кўринишида барқарор таъминот таъминланарди.

Учинчидан, ишчиларга полизчилик билан шуғулланишга ер участкалари ажратилар эди.

Ушбу мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда аҳолининг асосий қисми карточкада белгиланган нормалардан ташқари эркин савдодан деярли ҳеч нарса харид қилишга

имконияти етмас эди. Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, уруш йилларида ишчилар маошининг ўсиши ҳаёт даражасини белгилашда иккиламчи кўрсаткичлар эканлиги кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Пул қадрининг ва аҳамиятининг пасайиши бутун иқтисодиёт тизимидаги айирбошлаш даражасига таъсир этди. Давлат ва колхоз миқёсида ўзаро савдо пул шаклида эмас, асосан бартер шаклида олиб борилган. Ҳосил йиғими ёки экиш даврида давлат колхозларга маълум қишлоқ хўжалиги маҳсулотига айирбошлаш шарти билан саноат товарлари, бўғдой, ёнилғимойлаш маҳсулотлари ҳамда уруғлик етказиб берган. Бу ҳолатга мисол сифатида 1942 йил 2 мартдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 332-сонли қарори билан республика колхозларига жунга айирбошлаш шарти билан 10000 тонна ва гўштга айирбошлаш шарти билан 5000 тонна уруғлик бўғдой ажратилди [8].

Республика қишлоқ аҳолисининг саноат маҳсулотлари билан таъминланиши даражаси жуда қониқарсиз ҳолатда эди. 1944 йилда ўтказилган текширувлардан маълум бўлишича, саноат маҳсулотлари асосан район марказларида қолиб кетиб, қишлоқ жойларига етиб бормаган [9]. Қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли саноат товарлари карточкалари билан таъминланмасди. Шунинг учун улар асосан шаҳарлардаги чайқовчилик бозорларидан саноат маҳсулотларини харид қилганлар. Чайқовчилик бозорларида нархлар жуда қиммат бўлиб, саноат товарларини сотиб олишга ҳаммининг ҳам қурби етмасди.

Истисно тариқасида, ғалла ва қанд лавлагиси йиғим-терими даврида колхозчилар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида саноат товарларини савдоси ташкил этиларди. 1943 йил ғалла ҳосили йиғими даврида “Ўзбекбирлашув” тизими орқали колхозчиларга 10 млн. рубллик саноат товари сотилди [10].

4.Хулосалар:

Юқоридагилар шуни хулоса қилиш мумкинки, Иккинчи жаҳон уруш йилларида собиқ Иттифок, шу жумладан, Ўзбекистон халқ хўжалиги ва аҳолининг бутун иқтисодий имкониятлари урушни молиялаштиришга йўналтирилди. Уруш ҳарбий харажатларнинг ўсишига ва давлат бюджетининг асосий қисмини мудофаа мақсадларига йўналтиришга олиб келди.

Уруш туфайли қисқарган бюджет даромадлари аҳолига солиқ ва бошқа иқтисодий мажбуриятларини кўпайтириш орқали қопланди. Ижтимоий соҳаларга ажратилган бюджет маблағлари камайтирилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида пул эмиссияси, солиқ ва тўловларнинг оширилиши аҳоли турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатди.

Ижтимоий соҳаларга ажратилган бюджет маблағлари камайтирилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида пул эмиссияси, солиқ ва тўловларнинг оширилиши аҳоли турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатди. Давлат бюджети молия тизимини трансформация қилишнинг асосий механизмга айланди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Вознесенский Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. – Москва: Госполитиздат, 1948. – С.131. (Voznesenskiy N. Military economy of the USSR during the Great Patriotic War. – Moscow: Gospolitika, 1948. – p. 131).
2. Павлов Р. Опыт социального обеспечения условий труда рабочих и колхозников в годы Великой Отечественной войны 1941-1945 гг.: Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Москва, 2000. – С. 4. (Pavlov R. Experience of social providing of workers and collective farmers during the Great Patriotic War. – Moscow, 2000. – p. 4).
3. Вознесенский Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. – Москва: Госполитиздат, 1948. – С.131. (Voznesenskiy N. Military economic of USSR during the Great Patriotic War. – Moscow: Gospolitika, 1948. – p. 131).
4. Вознесенский Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. Москва, Госполитиздат, С.131. (Voznesenskiy N. Military economy of the USSR during the Great Patriotic War. – Moscow: Gospolitika, – p. 131).

5. ЎМА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3756- йиғмажилд, 171-варақ. (NAU, R.837 stock, list 32, case 3756, number sheets and page 171).
6. Симонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 175. (Simonov N. Military-industrial complex of the USSR in the 1920-1950s: economic booming rate, structure, organization of production and management. – Moscow: ROSSPEN, 1996. – p. 175).
7. Потёмкина М. Зарплата и социальная справедливость в условиях мобилизационной модели (1941–1945 годы). Мобилизационная модель экономики: исторический опыт России XX века: сборник материалов II всероссийской научной конференции. – Челябинск 2012 г. – С.503. (Potemkina M. Salary and social justice in the context of the mobilization model (1941-1945). – Chelyabinsk, 2012. – p. 503).
8. ЎМА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3265 йиғмажилд, 237-варақ. (NAU, R.837 stock, list 32, case 3265, number sheets and page 237).
9. ЎМА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 310 йиғмажилд, 64-варақ. (NAU, R.91 stock, list 8, case 310, number sheets and page 64).
10. ЎМА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3774 йиғмажилд, 362-варақ. (NAU, R.837 stock, list 32, case 3774, number sheets and page 362).